

1949 ГБУ УЗСБР
26599

А. С. ПУШКИН

ЭРТАҚЛАР




С. МОЧАЛОВ РАСМЛАРИ

№ 10535
396

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1949

1951





ШОҲ СУЛТОН, УНИНГ АЗАМАТ
ВА ШАВКАТЛИ ЎҒЛИ БОТИР ГВИДОН СУЛТОНЗОДА
ҲАМ ОҚҚУШ БЕКА ҲАҚИДА ЭРТАК

Дарча ёнида уч қиз
Узоқ тунда уйқусиз
Урчуқ йигиришаркан,
Ҳам суҳбат қуришаркан.
Тўнғич сўз бошлар эмиш:
„Мен бека бўлсам, демиш,
Оламга ўзим якка
Берардим тўй, ма'рака“.
Ўртанчи айтган эмиш:
„Мен бека бўлсам, демиш,
Ер юзига бир ўзим
Тўқиб берардим чўзим“.

Кенжа қиз айтган эмиш:
„Мен бека бўлсам, демиш,
Шоҳимизга зўровон
Туғиб берардим ўғлон“.

Шундай дейиши замон,
Юрт эгаси, шоҳ Султон
Эшикни очиб аста,
Кириб келмиш барваста.
Айни суҳбат чоғида,
Дарчадан кўрган экан;
Деворнинг у ёғида
Эшитиб турган экан;
Сўнги сўз кўп ёқипти,
Ва кенжага боқипти:
„Сулув қиз, салом сенга,
Майли, бека бўл менга,
Тушганда куз ва мезон,
Туғиб бер ботир ўғлон.
Сиз эса, она қизлар,
Сўлим, жонона қизлар,
Ўрнингиздан тез турунг,
Ва орқамиздан юрунг.
Ошпаз бўлур тўнғич қиз,
Бўз тўқир ўртанчингиз!“.

Шоҳ Султон бир-бир юриб
Ташқари чиқмай туриб,

Ўрдага кетмиш чопар,
Ҳаммага етмиш хабар.
Шоҳ пайсалга солмай ҳеч,
Тўй бошлапти ўшал кеч,
Ёнида ёш бекаси,
Севгани ва эркаси,
Шоҳ кайфи чоғ ўтирар,
Ажойиб базм қураар.
Базмдан сўнг меҳмонлар,
Подшоҳга қадрдонлар,
Ҳарамхона тўрига,
Фил суякли сўрига —
Жойни қалин солипти,
Қиз ва қуёв қолипти.

Ошпаз қиз юм-юм йиғлар,
Ўртанча бағрин тиглар:
Сингилдан бўлиб хафа,
Рашк қилмиш икков опа.
Бека бўлса, шоҳга ёр,
Ва'дасига вафодор;
Шу кеч юкли бўлипти,
Шоҳнинг кўнгли тўлипти.

Лекин бор экан уруш,
Шоҳ Султон бошлаб юриш.
Хуш қол, — деб бекасига,
Севгани, эркасига,



Бедовга отланипти,
„Мени унутма, — депти, —
Эҳтиёт бўл ўзингга,
Ва’данга — ўз сўзингга!“
Шу кетганча кўп замон
Жанг қилипти шоҳ Султоң.
Етмиш тўлғоқ куни ҳам,
Тўқлидай тетик, бардам,
Ўғил кўрмиш келинчак,
Худди она бургутдак —
Чақалоққа парвона,
Гиргиттон бўлур она.
Етиб ўз ва’дасига,
Хат ёзиб дадасига,
Чопар жўнатмиш шу кун,
Шоҳга суюнчи учун.

Аммо, иккала опа —
Бўлиб ўлгидай хафа,
Шум кампир ҳам бош қўшиб,
Чопар кетига тушиб,
Йўлдан урмиш шу фурсат,
Ҳам ёзмишлар бўлак хат;
Жўнатиб ўзга чопар,
Битмишлар шундай хабар:
„Бека туғди-ю, броқ,
На ўғил, на қизалоқ,
На қурбақа, на сичқон, —
Бадбашара бир ҳайвон“.

Етиб бормиш чопар ҳам,
Ҳайрон қолмиш шоҳ бу дам,
Ҳеч ишонмас сўзига,
Қон тўлипти кўзига,
Чопарни осмоқ бўлмиш,
Ғазабин босмоқ бўлмиш,
Лекин афв этар бу гал:
„Ўзим бориб, қилгум ҳал,
Кутсин, — дер, — қайтишимни,
Ва ҳукум айтишимни“.

Чопар йўртиб, елармиш,
Ёрлиқ олиб келармиш.
Аммо иккала опа,
Баттарроқ бўлмиш хафа,

Қуда кампир бош қўшиб,
Ёрлиқ изига тушиб
Маст қилмишлар чопарни,
У келтирган хабарни —
Билдирмайин олмишлар
Ўзга ёрлиқ солмишлар.
Ўша кун маст югурдак
Олиб келган хат шундак:
„Беклар, фармоним сизга,
Пайсалламай иш бошланг,
Иккаласин денгизга —
Яширин элтиб ташланг!“
Ёрлиқ бўлгач на чора,
Беклар қолмиш бе чора,
Ачиниб, куйиб бари
Шоҳ Султон фармонига,
Юрмишлар ҳарам сари,
Ёш беканинг ёнига.
Шоҳ Султоннинг ёрлигин,
Тақдирда не борлигин,
Ўқиптилар шу замон,
Ҳамма гап бўлмиш аён.
Кейин, тез ишга тушиб,
Бека-ю ўғлин қўшиб,
Бочкага жойлаптилар,
Мўм суртиб, мойлаптилар;
Отмишлар Денгиз томон,
Буюрган деб шоҳ Султон...



Тиниқ кўкда юлдуз ловулар,
Кўк денгизда тўлқин шовулар,
Кўкда булут сузармиш,
Сувда бочка юзармиш.
Бочка тебранган сари,
Шўрлик, асир сингари —
Ёш бека оҳ чекармиш,
Кўз ёшини тўкармиш.
Ўғил бўлса тинмайин,
Ўсаркан соат сайин.
Куну тун йиғлар бека,
Бағрини тиғлар бека.
Ўғли тўлқинни қистар,
Тўлқиндан кўмак истар:
„Ҳой тўлқин, эрка тўлқин!
Сен шўхсан ҳам сершовқун.
Ўз эркингча яйрайсан,
Денгиз тошин қайрайсан,
Кемаларни кўтариб,
Хоҳлаганда тўнтариб,

Хоҳлаганда тошасан,
Қирғоқлардан ошасан,
Бизни ҳалок этмагил,
Халос этмай кетмагил!*
Тўлқин эса унапти,
Қирғоқ томон жўнапти;
Етиб бир пастагина,
Бочкани астагина —
Қўйиб сув ёқасига,
Қайтипти орқасига.
Қутилиб қолмиш иков,
Ер ҳидин олмиш дарров,
Лекин, бочка берк, хайҳот...
Тангри қўлламас, наҳот?
Ўғлон турмиш оёққа,
Бош тақаб тепа ёққа,
Кучанмиш андаккина:
„Дарча очсак-чи, эна,
Шу ердан ҳовли томон?“ —
Деб бузиб чиқмиш ўғлон...

Иков ҳам энди эркин,
Атрофга боқмиш секин,
Кўринар кенг чаманзор,
Ўртасида тепа бор,
Тепада — эман ёлғиз,
Айлана — яшил денгиз.

Ўғлон ўйлар — қотар бош:
Қани бўлса кечки ош,
Ҳар қалай, ўзи келмас,
Илож қилмасам бўлмас.
Эман сари йўл солмиш,
Бир шох синдириб олмиш;
Сўнг шохни эгмиш таранг,
Ва топмиш ипак-каноп,
Тортиб боғлапти таноб,
Тайёр бўлмиш ёй аранг.
Ингичка қамиш олмиш,
Ўқ ясаб, ёнга солмиш
Ҳам жўнаб қолмиш тезлаб,
Сув бўйидан ов излаб.

Денгизга етмиш бола,
Эшитмиш бўғиқ нола...
Денгиз нотинч, иш ёмон,
Битта оққуш беомон —
Жон чекиб уринармиш,
Тўлқинда суринармиш,
Сувларга қанот урар,
Типирчилар, югурар,
Қалтираб кўкка боқар,
Қарчиғай қанот қоқар,
Ва келар панжа очиб,
Тумшуғидан қон сочиб...



Лекин, ўқ учиб кетмиш,
Бўйнидан тешиб ўтмиш.
Қарчиғай қони оқиб,
Сувга тушмиш улоқиб.
Шаҳзода ёйни ташлар,
Денгизга қарайбошлар:
Қарчиғай чўкмакдайди,
Ва фар'ёд чекмоқдайди,
Товши қушга ўхшамас,
Оққуш эса, тўхтамас,
Айланади, чўқийди,
Қанот уриб, нуқийди,
Тезроқ ўлишин кутар,
Ва охири фарқ этар,

Келар шаҳзода томон
Русча сўзлар шу замон:
„Эй менинг халоскорим,
Азамат жиғадорим,
Қайғурма, мен туфайли,
Оч қолгин уч кун, майли,
Ўқ бекор кетди, дема,
Бекор кетмас, ғам ема.
Яхшилигинг биламан,
Кейин хизмат қиламан:
Қуш-мас, қиз қутқорганинг,
Соғ қолди жоним манинг,
Отганинг — у ҳийлагар,
Қарчиғай-мас, жодугар.
Ҳеч ҳам унутмам сени,
Ҳар қайда топгунг мени.
Брок, энди сен қайтгил,
Қайғурмайин тинч ётгил!“

Ҳам учиб кетмиш оққуш,
Шаҳзода қайтмиш нохуш,
Она-бола ноилож,
Ухлаб қолмиш шу кун оч,
Кўзин очса шаҳзода,
Не ҳодиса дун'ёда:
Не кўринар кўзига,
Ишонмасмиш ўзига,

Катта шаҳар кўринар,
Нақшлари зар кўринар,
Кўнгиралик кўшклар бор,
Айлана баланд девор,
Деворнинг орқасида
Черковлар — эзгу жойлар,
Ва уйлар орасида
Талай нақшин саройлар...
Уйғотмиш онасини,
Она лол...», Ва'дасини —
Унитмапти, — дер ўғил, —
Оққуш шарофати бул!“
Йўл солмиш шаҳар томон,
Ичкари кирган замон —
Чолинмиш шодиёна,
Ҳайрон ўғил ва она,
Атрофдан сурон келар,
Пешвоз аламон келар,
Черковда солиб садо —
Куйлашар мадху сано,
Ҳам олтин яраваси,
Ҳам ясанган ўрдаси —
Буларга бўлмиш сийлов,
Ёғдириб олқиш, махтов,
Шаҳзоданинг бошига —
Олтин тож кийгизмишлар,
Ҳам келишиб қошига —
Сен бегимиз, демишлар.



Бека рози бу бахтга,
Ўғил ўтирмиш тахтга;
Беклик мансабин олмиш:
Бек Гвидон оталмиш...

Ел денгизда сайр этар,
Кемани ҳайдаб кетар;
Кема тўлқин ёрармиш,
Елкан очиб борармиш.
Кемачилар ҳайрон, лол,
Ўзгармиш таниш орол,
Боқишмиш орол сари,
Кўрмиш: му'жиза бари.
Зар нақшлик янги шаҳар,
Кема тўхтар ери бор,
Тўплар олов ёғдирар,
Кема тўхташи даркор.
Барча чиқар қирғоққа,
Бек чақирар қўноққа...
Зиёфат, базм қурмиш,
Ҳам кейин савол сўрмиш:
„Хўш, не савдо этасиз
Энди қаён кетасиз?“
Жавоб айтмиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар.
Совсар, тулки териси,
Савдо-сотик бариси,

Муҳлат етди бу замон,
Кетаяпмиз шарқ томон —
Орол бор, номи Буян,
Биз ёқалаб ўтгаймиз,
Ҳам шавкатли шоҳ Султон
Ўлкасига етгаймиз“.


Бек йигит гапни бошлар:
„Оқ йўл бўлсин, жаноблар,
Денгиз, уммондан ўтинг,
Ҳам Султон шоҳга етинг,
Мендан еткузинг салом!“

Қўноқлар кетмиш тамом.
Бек кузатиб қолипти,
Ва узоқ кўз солипти.
Кўнгли, нечундур, нохуш,
Кўрсаки юзар оққуш.


—“Салом, гўзал бек ўғлон,
Нечун ҳолинг паришон,
Ва нега кўнглинг нохуш?“

Савол сўрапти оққуш.
Бек деганмиш шу чоғда:
„Ғусса мени эзмоқда,
Отамни кўрсам дейман,
Шу тўғрида ғам ейман“.

Оққуш депти: „Хўп, эшит!
Истайсанми, бек йигит,
Денгизда учиб кетсанг,
Кемани қувиб етсанг.




Бунинг учун қулай йўл —
Бек йигит, кел, — чивин бўл!
Сўнг оққуш қанот қоқмиш,
Сувлар чайқалиб оқмиш,
Бека сув сачратиб мўл,
Бошдан-оёқ қилмиш ҳўл.
Айланиб боқсаки бек —
Бўлипти бир чивиндек,



Дарҳол учиб кетипти,
Кемага ҳам етипти,
Аста ўтиб эшикдан,
Жой олмиш бир тешикдан.

Ел эсар, дайдиб юрар,
Елкема шўх югурар,
Ороллардан ўтармиш,
Шоҳ юртига етармиш.
Олисдан жозибадор —
Кўринмиш азиз диёр,

Кўнмиш булар қирғоққа,
Султон чорлар қўноққа.
Чивин ҳам учиб кетмиш
Тўғри саройга етмиш,
Кўрсаки: шоҳларга хос
Кийиниб заррин либос,
Султон тахтада ўтирар,
Ҳам ғамгин хаёл сурар;
Тож ярқирар бошида.
Лекин унинг қошида —
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашар нуқул ғараз,
Қарашар шоҳ юзига,
Тикилишар кўзига...
Шоҳ зиёфат қурипти,
Кўноқлардан сўрипти:
„Жаноблар, не кўрдингиз?
Ҳам қайларда юрдингиз?
Не гап узоқ томонда?
Не қизиқ бор жаҳонда?“
Жавоб бермиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар
Яхши юртларда юрдик,
Шундай му'жиза кўрдик:
Бўларди бир тик орол,
Унда бор эди бир тол,
Орол — бўш, ўзга жон йўқ,
Жон тугул бир макон йўқ.“



Ҳозир бўлмиш обод жой,
Янги шаҳар, оқ сарой,
Зар қубба бутхоналар,
Чорбоғлар, кошоналар,
Бек экан Гвидон ном:
Юборди сенга салом“.
Шоҳ Султон ҳайрон бўпти:
„Агар ўлмасам, — депти:
Шу оролга боргайман,
Бекка меҳмон бўлгайман“.
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашиб нуқул ғараз,
Юборгуси келмапти,
Ва назарга илмапти.
Ошпаз қисиб кўзини,
Бошлапти шу сўзини:
„Ажаб ғалати хабар...
Оролда янги шаҳар!
Мен айтай, билсин барча,
Ўрмонда ўсар арча,
Тагида бир олмахон,
Қўшиқ айтади ҳамон,
Олмахон ўйнар пўчоқ,
Ҳам чақар нуқул ёнғоқ,
Пуч-мас чаққан ёнғоғи,
Олтин ҳамма пўстлоғи,
Зумрад экан мағизи,
Бу му’жиза, нағизи!“

Очилмиш шоҳнинг баҳри,
Қистармиш чивин қаҳри,
Чақармиш ростлаб ўзин —
Холасининг ўнг кўзин,
Ошпаз ранги оқармиш,
Ва лол, ҳарён боқармиш,
Жориялар ҳам сингил,
Шум кампир бўлиб яқдил —
Кўтаришмиш хархаша:
„Қараб тур, ҳаром пашша,
Биз сени!..“ деб қувлапти,
Тўпирлашиб, чувлапти.
Чивин дарчадан ўтмиш,
Учиб оролга кетмиш.

Бек сув бўйида юрар,
Сувга термулиб турар.
Кўнгли, нечундир, нохуш,
Боқсаки юзар оққуш.
„Салом, гўзал бек ўғлон;
Ҳолинг нечун паришон
Ва нега кўнглинг нохуш?“ —
Савол сўрапти оққуш.
Бек деярмиш шу чоқда:
„Ҳасрат мени эзмоқда,
Мен эшитдим қизиқ гап,
Балки ёлғон, не ажаб,




Му'жиза йўқ ўшанча —
Ўрмонда ўсар арча,
Тагида бир олмахон,
Қўшиқ айтади ҳамон,
Олмахон ўйнар пўчоқ
Ва чақар олтин ёнғоқ,
Пуч-мас чаққан ёнғоғи,
Олтин ҳамма пўстлоғи,
Мағзи эса, соф зумрад
Меники бўлса шояд!
Оққуш депти шу нафас:
„Бу гап ҳеч ёлғон эмас!
Бегим, асло ема ғам,
Ва ўксима, жонгинам,
Мен уни хўб биламан,
Сенга тайёр қиламан“.
Бек ўғлон енгил тортиб,
Уйига кетмиш қайтиб,
Дарвозадан кирипти,
Не ходиса кўрипти:

Баланд арча тагида,
Ҳамманинг кўз ўнгида,
Олмагон ўйнар пўчоқ,
Ва чақар олтин ёнғоқ,
Зумрадин буён қўяр,
Пўчоғин уён қўяр,
Ҳам тахлар бўлак-бўлак
„Боғда, ёки, бўстонда“¹
Деб куйлар, чолиб ҳуштак.
Аламон тўрт томонда..
Бек жуда ҳайрон бўпти:
„Ўлма, э оққуш,—депти,—
Тангрим, ўзинг қувонч бер,
Мен сингари юпанч бер!“
Кейин, олмахон учун —
Жой солмиш биллур бутун,
Тайин қилмиш қоровул;
Мирзага буюрмиш ул:
„Ол ёнғоқ ҳисобини,
Бергайсан жавобини.
Даромад — бек ўғлонга,
Ва балли — олмахонга“.

Ел денгизда сайр этар,
Кемани суриб кетар,

¹ „Во саду ли, в огороде“ — рус халқ қўшиғи.

Кема — тўлқин ёрармиш,
Елкан очиб борармиш.
Юзмиш орол ёнида,
Зур шаҳар томонида —
Соҳилдан тўп отилмиш,
Ҳам кема тўхтатилмиш,
Барча чиқмиш қирғоққа,
Бек чақирмиш қўноққа,
Зиёфат, базм қурмиш,
Ундан сўнг савол сўрмиш:
„Хўш, не савдо этасиз,
Энди қаён кетасиз?“
Жавоб айтмиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар,
Сотдик нуқул айғир от,
Дон отлари — бедов зот,
Муҳлат етди бу замон,
Жўнаймиз узоқ томон,
Орол бор — номи Буян,
Биз ёқалаб ўтгаймиз.
Ҳам шавкатли шоҳ Султон —
Ўлкасига етгаймиз“.
Бек йигит гапни бошлар:
„Оқ йўл бўлсин жаноблар!
Денгиз, уммондан ўтинг,
Шавкатли шоҳга етинг,
Ва айтинг: Гвидон ном —
Бек юборар кўп салом“.



Қўноқлар қуллуқ этмиш,
Ва йўлга тушиб кетмиш..
Бек сув бўйида юрар,
Сувда оққушни кўрар,
Қистармиш: мен кетай, деб
Ва отамга етай, деб.
Оққуш сув сочармиш мўл,
Бошдан-оёқ йигит хўл,
Ва бўлиб пашша сурат,
Учақолмиш шу фурсат,
Кемага қўниб олмиш,
Бир тешикка жойланмиш.

Ел эсар, дайдиб юрар,
Елкема шўх югурар,
Ороллардан утармиш,
Шоҳ юртига етармиш,
Олидан жозибадор —
Кўринмиш азиз диёр;
Чиқармишлар қирғоққа,
Султон чорлар қўноққа.
Пашша ҳам учиб қолмиш,
Ва саройдан жой олмиш.
Кўрсаки: шоҳларга хос —
Кийиниб заррин либос,
Султон тахтда ўтирар,
Ва ғамгин хаёл сурар.

Тож ярқирар бошида,
Лекин, унинг қошида —
Кампир, тўқучи, ошпаз —
Ўйлашиб нуқул гараз,
Сассиқ бақадай қўрқинч —
Бақрайиб қарар нотинч.
Шоҳ зиёфат қурармиш,
Кейин савол сўрармиш:
„Жаноблар, не кўрдингиз,
Ҳам қайларда юрдингиз?
Не гап узоқ томонда?
Не қизиқ бор жаҳонда?“
Жавоб айтмиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар,
Яхши юртларда юрдик,
Шундай му'жиза кўрдик:
Денгизда бир орол бор,
Ва бир шаҳарки, заркор...
Зар қубба бутхоналар,
Боқчалар, кошоналар,
Ва ўрда бурчагида —
Ўсади баланд арча,
Баланд арча тагида —
Бир уй биллурдан барча,
Унда яшар олмахон,
Қўлбола, зийрак ҳайвон,
Куйлар ва ўйнар пўчоқ,
Ҳам чақар нуқул ёнғоқ,

Пуч-мас чаққан ёнғоғи,
Олтин ҳамма пўчоғи,
Мағзи — зумраддан нуқул,
Пойлар қанча қоровул,
Хизматда қанча малай,
Мирза эса, тинчимай —
Ёнғоқ ҳисобин олур,
Лашкар саломла келур...
Пўстлоқлардан пул қуйиб —
Ўлкаларга оширар,
Қизлар зумрадни уйиб,
Қазноқларга яширар.
У ерда ҳамма — бой, тўқ,
Бари сарой, чайла йўқ,
Беги бор — Гвидон ном,
Юборди сенга салом“.
Султон ҳайрон бўлипти:
„Агар ўлмасам, — депти, —
Шу оролга боргайман,
Бекка меҳмон бўлгайман“.
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашар фақат ғараз:
Султон ҳеч бормасин, дер,
Оролни кўрмасин дер.
Тўқучи сасиб кулар,
Ҳам сўзни-сўзга улар:
„Бу — кимга ҳам ёқармиш!..
Олмаҳон тош чақармиш,

Ўйнармиш олтин сочиб,
Зумрад олармиш очиб,
Тўплармиш уюм-уюм,
Кимга керак у буюм,
Ростми, ёлғон — ким билар,
Ким ҳам қулоққа илар,
Бу қизиқ кимга даркор,
Бундан ажойиби бор:
Денгиз кўпириб, тошар,
Бўш қирғоқлардан ошар,
Ва шовқин-сурон солар,
Ҳарён чопқиллаб қолар,
Пайдо бўлар шу замон —
Ўттиз учта паҳлавон,
Танлари ўтдай ёнур,
Бари ёш, дов ва ёвқур,
Бари савлатлик, кўркам,
Норғул, азамат, ўктам;
Бари терилган расо,
Бошлиқ — Черномор бобо,
Мана сизга ажойиб —
Му'жизаки — ғаройиб“.
Меҳмонлар индашмапти,
Тортишмоқ иташмапти.
Очилмиш шоҳнинг баҳри,
Қистаб пашшанинг қаҳри,
Чақипти ўнглаб ўзин —
Холасининг чап кўзин,

Хола ранги оқарар,
„Вой“ дер, шумшайиб қарар,
Бақиришар: „Бос, ушла!
Тутиб ол, эз, ҳа мушгла...
Ҳа, сени!..“ — деб қувлашар,
Типирлашар, чувлашар.
Бек-чи, дарчадан ўтмиш,
Бепарво учиб кетмиш...

Бек сув бўйида юрар,
Сувга термулиб турар;
Кўнгли нечундир нохуш,
Боқсаки — юзар оққуш.
„Салом, гўзал бек ўғлон,
Нечун ҳолинг паришон,
Ва нега кўнглинг нохуш?“
Дея сўрапти оққуш..
Бек айтипти шу чоқда:
„Армон мени эзмоқда;
Эшитдим ғалати гап,
Ва шунга қилдим талаб,
Ҳа деб элитар мани“.
„Нимаси ғалат қани?“
„Қайдадир, уммон тошар,
Бўш қирғоқлардан ошар,
Ва шовқин-сурон солар,
Ҳарён чопқиллаб қолар,

Сувдан чиқар шу замон —
Ўттиз учта паҳлавон;
Танлари ўтдай ёнур,
Бари дов, ёш ва ёвқур;
Бари савлатлик, кўркам,
Норғул, азамат, ўктам;



Бари терилган расо,
Бошлиқ — Черномор бобо*.
Оққуш йигитга демиш:
„Ҳа, ташвишинг шу эмиш?
Ўксима, жонгинам сан,
Биламан бу сирни ман...
Бу — денгиз ботирлари;
Туғишганларим бари;
Қайғирмайин жўнай қол,
Қўноқларинг кутиб ол!“

Бек хурсанд, жўнаб қолмиш,
Денгиз томон кўз солмиш —
Манорада ўтириб.
Бирдан денгиз қутуриб,
Ҳайқириб, тошмиш шунда,
Қирғоқдан ошмиш шунда;
Пайдо бўлмиш шу замон —
Ўттиз учта паҳлавон,
Танлари ўтдай ёнур,
Бари дов, ёш ва ёвқур.
Ботирлар қўшоқ-қўшоқ;
Сочлари оқ — ялтироқ,
Бобо йўл бошлаб келар,
Шаҳарга қараб елар.
Манорадан тушар бек
Ва дарров кўришар бек,
Кутар қадирдонларин,
Баҳодир меҳмонларин.
Халқ шошар, зич ҳамма ер,
Бекка бобой шундай дер:
„Оққушдан келдик, ўғлон,
Ва шундоқ бўлди фармон,
Биз шаҳрингга соқчимиз,
Кечалар пойлоқчимиз;
Шу бугундан ҳар маҳал,
Бирга бўлурмиз тугал,—
Сувдан чиқиб юргаймиз
Қал'а қўриб тургаймиз.

Хайр, тездан кўришамиз,
Биз денгизга тушамиз,
Ер ҳавоси кўп оғир“
Сўнг бари кетмиш бир-бир...

Ел денгизда сайр этар,
Кемани суриб кетар,
Кема тўлқин ёрармиш,
Елкан очиб борармиш;
Юзармиш орол ёндан,
Ва зўр шаҳар томондан,
Қирғоқдан тўп отилмиш,
Ва кема тўхтатилмиш;
Ҳамма чиқмиш қирғоққа,
Бек чақирмиш қўноққа;
Зиёфат, базм қурмиш,
Ундан сўнг савол сўрмиш:
„Хўш, не савдо этасиз,
Энди қаён кетасиз?“
Жавоб айтмиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар
Олди-сотди, бор юмуш:
Пўлат ҳам олтин, кумуш.
Муҳлат ҳам етди бу чоқ,
Йўлимиз ҳали узоқ,
Орол бор — номи Буян,
Биз ёқалаб ўтгаймиз,
Ҳам шавкатли шоҳ Султон

Ўлкасига етгаймиз“.
Бек йигит гапни боплар:
„Оқ йўл бўлсин, жаноблар!
Денгиз, уммондан ўтинг
Шавкатли шоҳга етинг,
Ва айтинг: Гвидон ном —
Бек юборар кўп салом“.
Қўноқлар қуллуқ этмиш,
Ва йўлга тушиб кетмиш...

Бек сув бўйига бормиш,
Ва оққушга ёлбормиш,
Истар: яна кетай, деб,
Ва отамга етай, деб.
Оққуш ҳам сув сочиш мўл,
Бошдан-оёқ йигит ҳўл,
Қарасаки — шу фурсат,
Бўлибди ари сурат,
Визиллаб учиб кетмиш,
Кемани қувиб етмиш.
Қўниб орқа эшикка,
Жойланипти тешикка...

Ел эсар, дайдиб юрар,
Елкама шўх югурар,
Ороллардан ўтармиш,
Шоҳ юртига етармиш.
Олидан жозибадор —
Кўринмиш азиз диёр,

Булар кўнмиш қирғоққа,
Султон чорлар кўноққа.
Ари ҳам учиб қолмиш,
Ва саройдан жой олмиш,
Кўрсаки, шоҳларга хос —
Кийиниб заррин либос,
Султон тахтда ўтирар,
Ва ғамгин хаёл суар,
Тож ярқирар бошида,
Лекин, унинг қошида —
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашиб нукул ғараз —
Ўтирармиш айрилмай,
Ўқраймиш қайрилмай...
Шоҳ зиёфат қурипти,
Кўноқлардан сўрипти:
„Жаноблар, не кўрдингиз?
Ҳам қайларда юрдингиз?
Не гап узоқ томонда?
Не ҳодиса жаҳонда?“
Жавоб бермиш кўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар,
Яхши юртларда юрдик,
Шундай му'жиза кўрдик:
Денгизда бир орол бор,
Ва бир шаҳарки, заркор...
Унда ҳар кун қизиқ ҳол,
Эшитганлар бўлгай лол:

Денгиз кўпирар, тошар,
Бўш қирғоқлардан ошар,
Ва шовқин-сурон солар,
Ҳарён чопқилаб қолар;
Пайдо бўлар шу замон —
Ўттиз учта паҳлавон,
Танлари ўтдай ёнур,
Бари дов, ёш ва ёвқур.
Бари совлатлик, кўркам,
Норғул, азамат, ўктам,
Бари терилган расо.
Кекса Черномор бобо —
Бирга чиқар денгиздан,
Саф тузиб, бошлар издан,
Бари оролга соқчи,
Кечалари пойлоқчи.
Ўшалардай ҳечқачон
Бўлмас дов, танти посбон.
Беги бор — Гвидон ном,
Юборди сенга салом*.
Султон ҳайрон бўлипти:
„Агар ўлмасам, — депти: —
Шу оролга боргайман,
Бекка қўноқ бўлгайман“
Жим тўкучи ва ошпаз,
Шум кампир ўйлаб ғараз —
Тиржайиб бундай демиш:
„Шу ҳам қизиқми эмиш!

Сувдан чиқишиб юрар,
Оролни қўриб турар,
Ва шаҳар пойлар эмиш...
Бўпти тоза кулги иш!
Ростми, ёлғон — ким билар,
Кимни бу ҳайрон қилар?
Ва бу ҳол кимга даркор?
Оламда ўзга гап бор;
Денгизнинг у ёнида,
Ўзининг маконида —
Бека қиз яшар, кўркам...
Кўз узиб бўлмас ҳеч ҳам,
Кундуз — кун хира бўлур,
Тунда — олам нур олур.
Соч тагида — ой қолқар,
Манглайда — юлдуз болқар,
Юрса хўб солланади.
Товусдай товланади.
Сўзи ҳаммага ёқар,
Булоқ сувидай оқар,
Му'жизаки ажойиб,
Ажойибу — ғаройиб".
Меҳмонлар индашмапти,
Талашмоқ иташмапти.
Очилмиш шоҳнинг баҳри,
Қистапти Бекнинг қаҳри,
Бувисин сўзи ёқмас,
Лек, аяб кўзин чақмас,

Кўп айланмиш бошида,
Ҳам вижиллаб қошида,
Тўғри қўнмиш бурнига,
Худди қўнган ўрнига —
Расо найзасин тикмиш,
Бурин тез шишиб чиқмиш.
Бошланипти хўп шов-шув:
„Кўмакка келинг... ёҳу!
Қоровул... бос, ҳа, ушла,
Тутиб ол, эзиб ташла,
Ҳа сени!..“ деб қувлашар,
Тўпирлашар, чувлашар.
Ари дарчадан ўтмиш,
Баҳузур учиб кетмиш.

Бек сув бўйида юрар,
Сувга термулиб турар;
Кўнгли, нечундир, нохуш,
Кўрсаки — юзар оққуш.
„Салом — гўзал бек ўғлон!
Нечун ҳолинг паришон?
Айт: нега кўнглинг нохуш?“
Савол сўрапти оққуш...
Бек айтипти шу чоқда:
„Ҳасрат мени эзмоқда;
Ҳамманинг севгани бор,
Ёлғиз мен қолдим бе ёр!“

„Бормиди кўз солганинг,
Кўз остига олганинг?“
„Денгизнинг у ёнида,
Эмиш,— ўз маконида —
Бека қиз яшар, кўркам...
Кўз узиб бўлмас ҳеч ҳам.
Кундуз — кун хира бўлур,
Тунда — олам нур олур,
Соч тагида — ой қолқар,
Манглайда — юлдуз болқар;
Юрса хўб солланади,
Товусдай товланади,
Сўзи ҳаммага ёқар,
Булоқ сувидай оқар,
Билмайман ростми-ёлғон?“
Кўрқиб сўз кутмиш ўғлон.
Оққуш ўйлаб қолипти,
Ва хўрсиниб олипти:
„Ҳа, тўғри. Шундай қиз бор,
Аммо у қиз — нозик ёр;
Кўлқопмас отсанг ҳарён,
Белга қистирсанг ҳар он;
Кенгашимга қулоқ сол,
Ҳар ёқлама ўйлаб ол,
Айниб юрмагин, кейин,
Ўзинга бўлур қийин“.
Ичипти бек хўп қасам:
„Келди уйланмоққа дам;

Ҳаммасин ўйлаганман,
Ҳеч нима қўймаганман;
Севиб қолдим ўзини,
Излайман ер юзини,
Майли, яёв чопаман,
Ва бекамни топаман...
„Уҳ,— дер,— қуш бирданига,
Олисдан излаш нега?
Толлинг — яқин, қўзим,
Ўшал бека — мен ўзим!..“
Сўнг оққуш парвоз этиб,
Тўлқинлар оша ўтиб,
Тушиб панароқ жойга,
Қирғоқдаги тўқайга,
Силкиниб, шайланипти,
Бекага айланипти,
Соч тагида — ой қолқар,
Манглайда — юлдуз болқар,
Хўб улуғвор солланар,
Товус каби товланар,
Сўзи ҳаммага ёқар,
Булоқ сувидай оқар.
Бекани қучиб ўғлон,
Бағрига босмиш шодмон,
Дарров етаклаб кетмиш
Она олдида етмиш,
Бош эгиб депти шу дам:
„Жонгинам, онагинам!



Сайладим ўзимга ёр,
Сенга қиз — итоаткор:
Сўраймизки, иковлон,
Фотиҳа бер, онажон!
Даври-даврон сурайлик,
Ва узоқ умр кўрайлик“.
Ўрнидан турмиш она,
Бошларида парвона,
Кароматлик хоч тутмиш,
Кўзларидан ёш тўкмиш:
„Қўша қаринг, илойим —
Ўзи қўлласин, доим“.

Бек пайсалга солмай ҳеч —
Тўй ҳам қилмиш ўша кеч.
Бирга умр этишипти,
Ва фарзанд кутишипти.

Ел денгизда сайр этар,
Кемани суриб кетар.
Кема тўлқин ёрипти,
Елкан очиб борипти,
Юзармиш орол ёндан,
Ва зўр шаҳар томондан.
Қирғоқдан тўп отилмиш,
Ҳам кема тўхтатилмиш,
Ҳамма чиқмиш қирғоққа,
Бек чақирмиш қўноққа.
Зиёфат, базм қурмиш,
Ундан сўнг савол сўрмиш:
„Хўш, не савдо этасиз,
Энди қаён кетасиз?“
Жавоб айтмиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар,
Ўйламанг, бекор ётдик,
Нуқул ясоқ мол сотдик,
Йўлимиз ҳали узоқ:
Шарққа жўнаймиз бу чоқ,
Орол бор — номи Буян —
Биз ёқалаб ўтгаймиз,

Ҳам шавкатли шоҳ Султон
Ўлкасига етгаймиз“.

Бек йигит гапни бошлар:
„Оқ йўл бўлсин, жаноблар!
Денгиз, уммондан ўтинг,
Султон юртига етинг,
Эслатинг шоҳингизга,
Улуғ паноҳингизга:
Бизга келмоқчи эди,
Меҳмон бўлмоқчи эди,
Дараги йўқ батамом...
Айтинг кўпдан-кўп салом“.
Кўноқлар кетмиш тугал,
Бек йигит қолмиш бу гал —
Ўзининг маконида,
Севган ёри ёнида...

Ел эсар, дайдиб юрар,
Елкема шўх югурар,
Ороллардан ўтармиш,
Шоҳ юртига етармиш,
Олисдан жозибадор —
Кўринмиш азиз диёр.
Булар қўнмиш қирғоққа,
Султон чорлар қўноққа.
Кўноқлар келиб кўрар:
Султон тахтда ўтирар,

Тож ярқирар бошида,
Ва Султоннинг қошида —
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашиб нуқул ғараз —
Ўтирармиш айрилмай,
Бақраярмиш қайрилмай...
Шоҳ зиёфат қурармиш,
Қўноқлардан сўрармиш:
„Жаноблар, не кўрдингиз,
Ҳам қайларда юрдингиз,
Не гап узоқ томонда?
Не ҳодиса жаҳонда?“
Жавоб бермиш қўноқлар:
„Дун'ё кездик кўп чоқлар,
Яхши юртларда юрдик.
Шундай му'жиза кўрдик:
Денгизда бир орол бор,
Ҳам бир шаҳарки донгдор...
Зар қубба бутхоналар,
Боғзорлар, кошоналар;
Ўрданинг этагида
Ўсади баланд арча.
Баланд арча тагида —
Бир уй биллурдан барча,
Унда яшар олмахон,
Қўл бола, зийрак ҳайвон,
Куйлар ва ўйнар пўчоқ,
Ҳам чақар нуқул ёнғоқ;

Пучмас чаққан ёнгоғи,
Олтин ҳамма пўстлоғи;
Мағзи — зумраддан нукул,
Пойлар талай қоровул.
Яхши яшар жонивор;
Тагин бир ҳодиса бор:
Денгиз кўпириб, тошар,
Бўш қирғоқлардан ошар,
Ва шовқун-сурон солар,
Ҳар'ён чопқиллаб қолар,
Сувдан чиқар шу замон —
Ўттиз учта паҳлавон,
Танлари ўтдай ёнур,
Бари дов, ёш ва ёвқур,
Бари совлатлик, кўркам,
Норғул, азамат, ўктам,
Бари терилган расо,
Бошлиқ — Черномор бобо.
Ўшалардай ҳечқачон,
Бўлмас дов, танти, посбон,
Бекнинг ёри бор кўркам,
Кўз узиб бўлмас ҳеч ҳам:
Кундуз — кун хира бўлур,
Тунда — олам нур олур;
Сбч тагида — ой қолқар,
Манглайда — юлдуз болқар.
Гвидон — шаҳар беги,
Махтовининг йўқ чеки;

Севади юрти тамом,
У сенга йўллар салом.
Ўпкаси бор: шоҳ Султон —
Бизга келмоқчи эди,
Меҳмон бўлмоқчи эди,
Дараги йўқ, дер, ҳамон...“

Сабри қолмай, шоҳ турмиш,
Дарғаларга буюрмиш:
„Яхши кемалар сайланг,
Ва сафар учун шайланг!“
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашар нукул ғараз,
Шоҳ Султон бормасин, дер,
Оролни кўрмасин, дер.
Лекин, шоҳ солмай қулоқ,
Қаҳрида депти шу чоқ:
„Мен — шоҳми, ёки гўдак?
Кетаман бу гал бешак!“
Ер тепа чиқиб кетмиш,
Эшикни тарс беркитмиш...


Бек уйида ўтирар,
Дарчадан қараб турар:
Денгиз тинч, тўлқин урмас,
Шовқин солмас, кўпирмас,
Ҳаво тиниқ ва зангар,
Ҳам кўринмиш кемалар:
Денгизда елар экан,

Шоҳ Султон келар экан.
Бек дарҳол сакраб турмиш,
Ва қаттиқ на'ра урмиш:
„Азиз онам, маликам!
Ва сен — севгилим, бекам!
Қаранг анов томонга:
Отам келар бу ёнга“.
Кема келар ёнашиб,
Бек дурбин олмиш шошиб,
Кўрса: турар шоҳ чиндан,
У ҳам қарар дурбиндан.
Кампир, тўқучи, ошпаз,
Ўйлашиб нуқул ғараз —
Боқишармиш ҳайрон, лол.
Қандай белгисиз орол...
Замбараклар ўқ отмиш,
Жомлар садо тарқатмиш.
Бек келмиш денгиз ёққа,
Шоҳни кутиб олмоққа;
Тўқучи, ошпаз блан
Кампир — серғараз блан —
Шоҳни шаҳрига бошлар,
Индамай қадам ташлар.

Ҳамма саройга юрмиш,
Ва соқчиларни кўрмиш;
Совутлари яроқлар,
Дарвозани хўб сақлар,

Ўттиз учта паҳлавон,
Ажабланар шоҳ Султон,
Бари ёш, бари кўркам,
Норғул, азамат, ўктам,
Бари терилган расо,
Бошлиқ — Черномор бобо.
Ҳовлига ўтар барча,
Ҳовлида баланд арча,
Олмахон куйлар, қандоқ,
Ҳам чақар олтин ёнғоқ;
Чақиб, зумрад олармиш,
Қопчиқларга солармиш.
Тўлиб кетипти ҳарёқ.
Зар ёнғоқ, олтин пўчоқ,
Кўноқлар шошқин... нега?
Пайдо бўлмиш ёш бека;
Соч тагида — ой қолқар,
Манглайда — юлдуз болқар.
Улуғвор солланармиш,
Товусдай товлаармиш...
Қайнанаси ҳам келмиш,
Шоҳ кўриб дарров билмиш...
Ғайрати жўш урипти
Тажанг ва лол, сўрипти:
„Сенмисан? қандай ахир,
Бу не ўзи, қандай сир?“
Тошар, тутақар эмиш,
Кўз ёши оқар эмиш.

Қучипти маликасин,
Ўғлин ва ёш бекасин.
Ёзилмиш дастирхонлар,
Базм қурмиш меҳмонлар.
Ҳам тўқучи, ҳам ошпаз,
Ҳам кампирки, серғараз —
Тум-тарақай қочмишлар..
Сўнг уларни топмишлар..
Қилмишларига иқрор,
Хўнграшармиш зору-зор.
Шоҳ хурсандлик туфайли,
Уйга жўнанг, дер, майли..
Кеч кирар, тўй қизишар,
Султонни ётқизишар,
Тўшакни қалин солар,
Чала маст шоҳ дам олар.
Мен шу тўйда бор эдим,
Бўза ичдим, бол едим,
Сал хўлланди мўйлабим —
Шу ерда адоқ гапим.





БИР ПОП ВА УНИНГ ХИЗМАТКОРИ БАЛДА ҲАҚИДА ЭРТАК

Дейдиларки, бурун бир поп бор экан,
Пешонаси кўнглидан ҳам тор экан.
Бир кун шу поп боришти бозор ёққа,
Мол кўрмоққа ва ҳам кўнглин ёзмоққа.
Шунда унга ўз йўлини билмаган
Балда номли бир йигитча учраган.
Балда депти: „Мунча эрта турибсан?
Кўчаларда не ахтариб юрибсан?“
Поп айтипти: „Менга керак бир шаввоз:
Якка ўзи ошпаз, сайис, ёғочсоз.
Яхши эди шундай одам топилса,
Оз олсаю, лекин ишни кўп қилса“.

Балда депти: „Айтганинг мен бўламан,
Жон борича яхши хизмат қиламан,
Бир йил ишлаб, пешонангга уч чертай,
Овқатимга атала бер, шукр этай“.
Поп ўзини ўй қўйнига ташлапти,
Пешонасин қашимоққа бошлапти.
Чертки борки полвон бўлсанг чидаш бер
Бўлар-кетар, „эрта гамин эшак ер!“
Поп Балдага депти: „Шартинг жуда боп,
Бу шарт бўлса на сих куяр, на кабоб.
Қани, энди уйга қараб юрайлик,
Ғайратинг ҳам ҳимматингни кўрайлик“.
Балда энди попга хизмат этармиш,
Кечалари похол тўшаб ётармиш.
Тўрт кишининг овқатини урармиш,
Етти киши меҳнатини қилармиш,
Эрта туриб ҳеч бир ишни қўймасмиш,
Қўш қўшармиш, талай ерни ҳайдармиш.
Печь ёқармиш, бозор бориб, қайтармиш,
Пиширгани тухумларни арчармиш,
Поп хотини махтаб-махтаб юрармиш,
Попнинг қизи Балда деб гам чекармиш.
Попнинг ўғли „тоға“ дермиш Балдани;
Овқат қилиб тўйдирармиш болани.
Фақат попнинг ўзи уни севмасмиш,
Бир оғиз ҳам яхшироқ сўз демасмиш.
Қандай қилиб ҳақ тўлашни ўйлармиш,
Муддат яқин, ой-кун қараб турмасмиш.

На емоқ бор, на ухламоқ, на ичмоқ,
 Пешоналар ҳалитданоқ буришқоқ;
 Хотинига кўнгил ёрмиш охирда:
 „Нима қилдик, хотин, борми бир чора“
 Поп хотини — эсли аёл, тадбирли,
 Яна тагин анча шайтон макрли,
 У дептики: „Кўрқмагин ҳеч, бу жўн иш
 Қийин эмас, бу балони йўқ қилиш.
 Сен Балдага бир оғир иш буюргин,
 „Шуни бекаму-кўст бажаргин“ дегин.
 Шунда ҳеч ким пешонанга чертмайди,
 Ва Балда ҳам: „ҳаққимни бер“ демайди“.
 Ағдарилмиш поп устидан катта тоғ,
 Боқмиш энди Балдага у дадилроқ.
 Шовқин солмиш: „Ҳай Балдавой, қайдасан?
 Менга ҳалол хизмат қилган боласан!
 Қулоқ бергин: жинлар менга бир замон,
 Ўлгунимча тўлар бўлганди ўлпон.
 Уч йил бўлди тўлашмайди ҳеч бир ҳақ,
 Соз бўларди ўша ҳақлар унса нақд.
 Аталангни ичиб бўлиб жўнасанг,
 Тўлатдирсанг, бермаганга қўймасанг“.
 Гап қайтармай Балда попнинг гапига
 Йўлга тушиб етмиш дар'е лабига;
 Қўлга тутиб арғамчини тўлғапти;
 Сувга солиб, бир учини ҳўллапти.
 Шунда сувдан чиқиб кепти кекса жин;
 Депти: „Балда, нега келдинг сўзлагин!“



„Арқон блан дар’ёнғизни чайқайман,
Ла’натилар, сизни тоза қийнайман“.
Кекса Жиннинг қош-қовоғи буришмиш:
„Айт-чи, нега қаҳринг бизларга тушмиш?“
„Нега бўлсин? Ўлпон бериш йўқ сизда,
Вақти ўтган, ўйлаб кўриш йўқ сизда.
Устинғизда сордек қанот кераман,
Сиз итларнинг жазонғизни бераман“.
„Дар’ёмизни чайқамайтур, Балдабой,
Биз ўлпонни топширамыз қолдирмай.
Неварамни юбораман, шошмай тур“...
Балда ўйлар: „Невараси шайтондур!“
Шўнғиб чиқмиш чол юборган шум ўғил:
Мушук каби миёв тортиб депти ул:
„Ҳа Балдабой, омонмисан қишлоқи;
Бу қандай гап? Қандай ўлпон? не ҳақи?
Бир умр биз ўлпон нима — билмаймиз,
Жуда ёмон хафа бўлдик бундан биз, —

Хўп, майлига, ўлпонингни тўлайлик,
Ва ўртага шундай шартни қўяйлик:
Бундан кейин ҳеч бўлмасин бу хил иш
Йўқ ердаги ўлпонларни ундириш.
Қарор топсин мана шунга фикримиз:
Қирғоқ бўйлаб чопишайлик иккимиз,
Кимки ўзса ўлпон шунга қолади,
Бу орада қоп ҳам тайёрланади“;
Қаҳ-қаҳ уриб кулиб олмиш Балдабой:
„Нималарни ўйлайдирсан, бола, ҳой?
Тенглашмоқчи бўласанми мен блан,
Хайиқмасдан Балдабойдай кишидан?
Хўп келибсан ажиналар пакари?
Укам блан чопишиб кўр илгари“.
Балда бормиш яқиндаги ўрмонга,
Икки қуён тутуб, солмиш ҳам’ёнга.
Яна қайтиб дар’ё бўйига бормиш,
Жин боласин топиб, юрагин ёрмиш.
Қуёнларнинг бирин олмиш қўлига,
Сўнгра депти Балда жиннинг ўғлига:
„Мана энди дўмбирамга ўйнайсан,
Сен тирранча мендан ўза олмайсан.
Ярамайсан ҳатто қувлаб етишга,
Ҳеч вақтим йўқ бекор куч сарф этишга.
Сен илгари укам блан синашгин,
Тайёрмисан! Бир, икки, уч! югур жин!“
Чопа кетмиш қирғоқ бўйлаб жинбачча,
Қуён чопмиш уйни мўлжаллаганча.



Шунча жойни чопа-чопа ўткариб,
Тилин чўзиб, тумшуғини кўтариб,
Етиб келмиш жин боласи туртиниб,
Терга ботиб панжаси-ла артиниб,
У ўйлапти: „Енгдим шундай полвонни“.
Балда бўлса силаб-сийпаб қуённи
Сўзланаркан: „Жоним укам, чарчадинг,
Энди дам ол, ҳеч ерда дам олмадинг!“
Ҳайрон қолмиш жин боласи бу ҳолга,
Бўйин эгмиш тушгач бундай аҳволга!
Тан бериб у, қуйруғини қимтипти,
Аммо ичдан: „шуни эзсам бир!“ депти.
У Балдага депти: „ўлпон келтирай“,
Бобосига бориб депти: „Мен ўлай!
Балдабойнинг укасидан енгилдим“,
Бобой бўлса ўйга кетмиш сўзсиз, жим.

Балда бу чоқ тўпалонни бошлапти,
Сувга қўрқинч арқонини ташлапти.
Ҳартомонга сувни чайқаб, урчинмиш,
Сув бетида жин боласи кўринмиш,
Депти у: „Бас қил, ўлпонинг берайлик —
Лекин яна бир синашиб кўрайлик.
Мўлжал олиб отилади шу таёқ,
Ким ўтказса бу синовда ўша ҳақ;
Ўлпонлар ҳам ўшаники, не дединг?
Ё кўрқдингми, чиқиб қолар деб кўлинг?
Ахир нега индамайсан?„ — „Шошмай тур,
Сен ўзингни полвон деб чоғламай тур,
Мен анови зўр булутни кутаман,
Бу таёқни шу булутга отаман.
Шундан кейин ҳангомани бошлайман,
Энг қичишган ерингизни қашлайман“.
Жин боласи қўрққанидан бўзлапти,
Чопиб тушиб бобосига сўзлапти,
Балда яна арқонини ташлапти,
Жин элини қўрқитмоққа бошлапти.
Жин боласи яна чиқиб юзага,
Депти: „Тагин нима дейсан бизага?
Сен хоҳласанг, ўлпон тайёр, олақол!“
Балда депти: „Тўхта, энди қулоқ сол:
Навбат мендан, мен ҳам бир шарт кўяман,
Бажармасанг кўзларингни ўяман.
Қани синаб кўрайин сен баттолни,
Кўрдингми ҳув анови кўк байтални?

Қани шуни бир чақирим жилдиргин,
Шундан кейин „ўлпон меники“ дегин.
Эплломсанг ҳеч ҳаққинг йўқ ўлпонда“ —
От тагига кирмиш бола шу онда.
Эй зўр бермиш, эй кучанмиш қизариб,
Икки қадам босмиш отни кўтариб,
Сўнг довдираб йиқилипти чалқанча,
Балда депти: „Ҳа, не қилди тирранча?
Аҳволинг шу, яна майдонга кирдинг
Кўп зўр бериб, икки қадам жилдирдинг.
Мен оёғим орасига оламан,
Ҳайт дейману ўз йўлимга соламан!“
Балда ирғиб миниб отга, чопипти,
Ҳамма ёқни чангу-тўзон ёпипти.
Жин боласи эс-ҳушин йўқотипти,
Бу даҳшатни бобосига айтипти.
Ночар қолиб, жинлар ўлпон тўплапти,
Балдабойни ўлпон бериб йўллапти.
Балда кепти тамоқ қириб, йўталиб,
Поп буёқда сакраб туриб, чайқалиб
Хотинининг орқасига беркинмиш
Қўрққанидан гужанак бўб, чекинмиш,
Балда уни топиб олиб: „Ма, — депти, —
Ўлпонни ол, ҳаққимни бергил“, — депти.
Поп тарк этиб панани,
Ушлапти пешонани,
Тушиб қопти черткилар,
Чертки эмас, тепкилар;

Поп бир черткени епти,
Ва том буйи ирғипти;
Иккинчи чертки блан,
Айриипти у тилдан;
Учинчини ҳам епти
Ҳам ҳушидан кетипти.
Попнинг ўша аҳволига бўлиб мас
Балда депти: „Арзон шўрва татимас“.





БАЛИҚЧИ ҲАМ БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК

Ўтган чоқда денгиз бўйида
Чол ва кампир умр сурипти,
Ертўлада — эски уйида
Ўттиз уч йил бирга турипти.
Чол тўр солиб овларкан балиқ,
Кампир эса йигирар урчиқ.
Чол денгизга тўр солса бир гал,
Бақа япроқ тутипти ёлғиз.
Тўр солганда чол иккинчи гал
Илинипти денгиз ўлани.
Тўр солганда чол учинчи гал
Тўрга тушмиш бир митти балиқ,
Жўн балиқмас нақ олтин балиқ.
Олтин балиқ ёлбормиш чолга,
Одам каби чиқариб овоз:

„Кўйиб юбор, денгизга тушай,
Тўловим ҳам қиймат бўлур, чол,
Кўнглинг не тиласа бергайман“.
Ҳайрон бўлмиш, чол қўрқиб кетмиш,
Ўттиз йилу, боз уч йил расо
Балиқчилик қилганди, аммо
Балиқ сўзин эшитмаганди.
Чол балиқни қўйиб юбормиш
Ва сўз айтмиш унга меҳрибон:
„Олтин балиқ, тангри ёр бўлсин,
Керак эмас менга тўловинг;
Маили тушгил яшил денгизга,
Эркин-эркин ўйнаб юравер!“

Чол қайтипти кампир ёнига,
Ва сўзлапти улуғ му'жиза:
„Тутиб олдим бугун мен балиқ,
Жўн балиқмас — бир олтин балиқ;
Балиқ бизнинг тилда айтди сўз,
Кўп ялинди қўйиб юбор, деб,
Ўз уйига — яшил денгизга;
Катта тўлов тўлайин, деди,
Не истасанг берайин, деди;
Мен олгани ботинолмадим,
Қўйивордим яшил денгизга“.
Чолни қарғай бошлапти кампир:
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Ололмапсан балиқдан тўлов!“

Ҳеч бўлмаса битта тоғора —
Олмайсанми ундан ахир сен,
Тоғарамиз, биласан тешик!“

Чол борипти яшил денгизга,
Мавж урмоқда денгиз, қараса,
Чақирипти балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўрапти ундан:
„Нима керак сенга, чол бобо?“
Та'зим блан жавоб айтар чол:
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,
Хўп уришди-кампирим мени:
Тинчлик бермас, қаридинг демас,
Керак эмиш янги тоғора,
Тоғорамиз тешилган, ахир“.
Олтин балиқ берипти жавоб:
„Қайғирмағил, тангри ёр бўлсин,
Боргил, бўлур янги тоғора“.

Чол қайтипти кампир ёнига,
Тоғоралик бўлипти кампир.
Уришипти кампир баттарроқ:
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Кир тоғора бой қилармиди?
Жўна, тентак, балиққа боргил,
Та'зим қилу, уй сўраб олгил“.

Чол борипти яшил денгизга,
(Яшил денгиз лойқаланипти);



Чақирипти балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўрапти ундан:
„Нима керак сенга, чол бобо?“
Та'зим қилиб шундай депти чол:
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,
Мени кампир қарғади баттар,
Тинчлик бермас, қаридинг демас,
Жағи тинмас, уй сўрар нукул“.
Олтин балиқ айтипти жавоб:
„Қайғирмагил, тангри ёр бўлсин,
Боргил, уй ҳам бўлади насиб!“

Ертўласи томон қайтса чол,
Ертўладан из ҳам қолмапти,
Кўз олдида: гишт мўрилик, оқ,
Болут ёғочидан ясалган—
Дарвозалик бир уй турипти.

Уй ёнида меҳмонхона бор.
Деразанинг ёнида эса
Ўтирипти кампир талтайиб,
Қарғамоқда чолни баттарроқ:
„Эй тентак чол, гўл, девона чол!
Келиб-келиб уй сўрабсан-да!
Жўна дарров балиқ ёнига,
Та'зим қилгин унга сен тағин:
Қора деҳқон бўлмайман ортиқ,
Мен — бегойим бўлиш истайман!“

Чол борипти яшил денгизга,
(Денгиз нотинч, тўлқин урмоқда),
Чақирипти балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўрапти ундан:
„Нима керак сенга, чол бобо?“
Та'зим қилиб, чол шундай депти:
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,
Кампирни жин урди баттарроқ,
Тинчлик бермас, қаридинг демас,
Қора деҳқон бўлмасмиш ортиқ,
У бегойим бўлиш истармиш!“
Олтин балиқ айтипти жавоб:
„Қайғирма, бор, тангри ёр бўлсин!“

Чол қайтипти кампир ёнига,
Нима кўрар? Баланд бир сарой.
Ошқулдоқда турар кампири,
Совсар пўстин унинг эғнида,



Бошида ҳам алвон дакана,
Қатор-қатор инжу бўйнида,
Қўлларидан олтин узуклар,
Оёғида қирмизи этик.

Атрофида оқсоч хотинлар,
Қоқ ўртада кампир турарди,
Сочларидан судраб урарди.
Кампирига сўз қотипти чол:

„Салом аслзода, беғойим!
Кўнглинг энди тўлди шекилли!“
Кампир бўлса ўшқуриб баттар,
Отхонада ишлашга солмиш.

Ўтиб кетмиш ҳафталар, ойлар,
Кампир тагин минмиш қаҳрига,
Балиқ томон йўллапти чолни.

„Тез бор, та'зим қилгил балиққа:
Ортиқ мен бегойим бўлмайман,
Пошшо хотин бўлиш хоҳлайман!“
Қўрқиб кетиб чол, шундай депти:
„Эшак мия едингми, кампир?
Юриш-туриш — нима, билмайсан,
Пошшолик масхара бўлдими!“
Кампир баттар миниб қаҳрига,
Чол юзига тарсаки урмиш:
„Қора деҳқон, қандай ботиндиғ,
Ким қўйипти сенга сўз айтмак,
Менга — мендай бегойимга-я?
Яхшиликча жўнаб қол, дейман,
Жўнатгайман боғлаб, бормасанг“.

Чол денгизга қараб йўл солмиш,
(Яшил денгиз қора ранг олмиш);
Чақирипти балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўрапти ундан:
„Нима керак сенга, чол бобо?“
Та'зим қилиб, сўз айтипти чол:
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин!
Кампир тағин бошлади ғавго!
Бўлмас эмиш ортиқ бегойим,
Бўлур эмиш эркин малика!..“
Олтин балиқ беради жавоб:
„Қайғирмағил, тангри ёр бўлсин,
Майли кампир бўлур малика!..“



Чол қайтипти кампир ёнига,
Қарасаки, шоҳона қаср,
Қаср ичра кўринар кампир,
Ўтирармиш малика бўлиб,
Хизматида беклар, амирлар
Асл шароб қуйиб бермоқда;
Ҳам малика қуймоқ емоқда;
Артофида талай ясовул,
Елкаларда ойболталари,
Ўраб олмиш, жуда ҳам қўрқинч.
Буни кўриб қўрқиб кетмиш чол,
Ва букилиб, сўз айтмиш унга:
„Савлатли маликам, саломалайкум!
Шояд энди тўлгандир кўнглинг!“
Қайрилиб ҳам боқмапти кампир,
„Тез ҳайданг!“ деб айтипти холос.
Сакраб туриб беклар, амирлар,
Чолни судраб ҳайдай солмишлар.
Ясовуллар эшик ёнида
Сал бўлмаса чопаёзмишлар.
Мазақ қилиб қолмиш аломон:
„Қилиғингдан топдинг нодон чол!
Бундан кейин бўлгуси сабоқ:
Ўз кўрпангга қараб чўз оёқ!“

Тағин ўтмиш ҳафталар, ойлар,
Кампир баттар минмиш қаҳрига,
Эрини излатар чопар юбориб,

Чолни топиб келмишлар ахир.
Шунда кампир демиш чолига:
„Жўна тагин балиқ ёнига,
Та'зим қилиб ўтингил дарров,
Бўлмагайман ортиқ малика,
Денгиз шоҳи бўлиш истайман,
Хизматимда турсун балиқ ҳам,
Балиқ бўлсин менга чоповул!“

Ботинолмас сўз айтишга чол,
Бўларолмас кампир сўзини,
Тагин бормиш яшил денгизга.
Қора қуюн кўрар денгизда:
Тўлқинлар ўшқирар ғазабкор,
Ҳам тўлғанар, ҳам увлар тинмай.
Чол чақирмиш балиқни сувдан,
Балиқ чиқиб сўрапти ундан:
„Нима керак сенга, чол бобо?
Та'зим қилиб, унга депти чол:
„Пошшо балиқ, ҳолимга ачин,
Жонга тегди ла'нати кампир,
Нима қилсам экан шу топда?
Ортиқ бўлмас эмиш малика,
Денгиз шоҳи бўлиш истармиш,
Ва денгизда яшаш истармиш,
Сен ҳам борармишсан хизматга,
Бўлармишсан унга чоповул“.
Битта сўз ҳам демапти балиқ,

Сувга уруб думини фақат,
Ғойиб бўпти денгиз тагига.
Жавоб кутиб турмиш шўрлик чол
Узоқ қолиб денгиз бўйида.
Сўнг қайтипти кампир ёнига,
Кўрса: тагин ўша ертўла,
Бўсағада ўтирар кампир,
Қаршисида — тешик тоғора.





ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР
ҲАҚИДА ЭРТАК

Хайрлашиб баногоҳ,
Отланмиш сафарга шох.
Бекач саройда танҳо
Шоҳни кутмиш доимо.
Кечаю-кундуз кутмиш,
Йўлларига кўз тутмиш,
Шоҳни кутиб ҳар замон,
Бўпти кўзлар нигорон,
Лекин ёрдан йўқ нишон!
Фақат қутурар бўрон —
Қорларга тўлмиш ҳарёқ,
Ҳамма ер бўлмиш оппоқ...

Туну-кун кутиб-кутиб,
Тўққиз ой кетмиш ўтиб.
Ҳайит арафасида,
Арафа кечасида,
Хоним бекачга худо
Бир қизча этмиш ато.
Эртаси-ёқ, кўп узоқ —
Кутилган азиз қўноқ —
Подшоҳ қайтмиш сафардан,
Бегона ўлкалардан.
Бекач шоҳга телмурмиш,
Оғир-оғир хўрсинмиш,
Шодлиги ошганидан,
Севиниб шошганидан
Пешин айтилган замон,
Хоним бекач бермиш жон.

Шоҳ узоқ тортмиш алам,
Начора? банда у ҳам;
Ҳаш-паш демай бир маҳал,
Бекорчи тушдай жадал
Бир йил ҳам ўтиб қопти.
Шоҳ бошқа хотин опти.
Чинакам ҳам у дилбар
Бекачликка ярашар;
Оппоққина, хушқомат,
Ақлу-дидда аломат,



Лекин мағрур ва бахил,
Эрка, кунчи, қора дил,
Сепи бор кўркам кўзгу
Кўп ҳикматли экан у;
Кўзгу сўзлай оларкан,
Бекач ҳам қувонаркан.
Фақатгина у блан,
Ҳикматли кўзгу блан
У шод, ҳазиллашаркан
Зеб бериб, сўзлашаркан:
„Сўзла азиз ойнажон,
Ҳақиқатни эт баён:
Ман эмасми дун'ёда
Ҳаммадаё ҳам зиёда,

Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши?“
Ойна деркан жавобан:
„Шубҳасиз сан ҳаммадан
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши“.
Бекач қаҳқаҳа солиб
Турли-туман буралиб,
Сузиб кўзи-қовоғин,
Қирсиллатиб бармоғин,
Зеб бериб кериларкан,
Кўзгуга термуларкан.

Броқ ёш малика ҳам
Оҳиста, бўлиб кўркам,
Кун сайин ўсакетмиш,
Ўсиб камолга етмиш.
Юзлари оқ, қора қош,
Хушфе’л, раҳимдил, ювош.
Маликага куёв ҳам
Топила қолмиш шу дам,
У шаҳзода Елисей,
Аслзода Елисей.
Совчига шоҳ кўнипти,
Дарров сеп ҳам унипти:
Етти савдо шаҳари,
Юз қирқ кошоналари.

Юз кўрарга отланиб,
Бекач жуда безаниб,
Кўзгуга телмураркан,
Ва ундан сўрар экан:
„Ман эмасми дун'ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши?“
Кўзгу деркан шу маҳал:
„Ҳеч шубҳасиз сан гўзал;
Лек, малика дун'ёда,
Ҳаммадан ҳам зиёда,
У оқ, гўзал ва яхши
Қизил юзларнинг нахши“.
Бека сесканиб кетмиш,
Қўлларини мушт этмиш,
Кўзгуга бир тушурмуш,
Ер тепиниб дўқ урмиш:
„Аҳ, паст кўзгу, ярамас,
Сўзларинг бари ғараз.
У қандай менга етсин,
Мендан ҳам ўтиб кетсин?
Та'зирини бир берай,
Тавбага таянтирай.
Ўсмай ўлгур, ярамас!
Оқлиги бежиз эмас:
Онаси экан бўғоз,
Қорга телмурган холос,

Айт, мумкинми ҳеч маҳал
У бўлса мендан гўзал?
Унинг қандай ҳаққи бор?
Мен гўзалман: бўл иқрор.
Элу-юртни изласанг,
Жаҳонни синчикласанг,
Йўқдир менга тенг сулув,
Шундайми?“

Депти кўзгу:

„У барибир дун’ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши!“
Бекач ночор ўртаниб,
Ҳасад ўтига ёниб,
Кўзгуни тез олипти,
Ҳам сандиққа солипти.
Чақириб Қора қизни,
Ҳам малика ўксизни;
„Олиб бориб тўқайга,
Одамсиз хилват жойга,
Оёқ-қўлини боғла,
Тириклай бағрин доғла! —
Деб айтипти чўрига, —
Ем бўлсин, — деб, — бўрига“.
Ёвуз хотинга, айтинг —
Шайтонми, жин келар тенг?
Чора йўқ. Қора қиз ҳам



Малика блан илдам
Юриб кетмиш тўқайга,
Ва етмиш хилват жойга,
Малика пайқаб қолмиш,
Даҳшат ичида толмиш
Ҳам ёлбормиш: „Паноҳим?
Сўзла, недур гуноҳим?
Қизгина, раҳм эт менга!
Гар бекач бўлсам, сенга —
Яхшиликлар қиламан“.
Қиз уни севганидан,
Банд айламай, ўлдирмай,
Қўйиб юбормиш шундай,
Деб: „Қайғурма, омон бўл“,
Сўнг уй томон солмиш йўл.
Бекач сўрапти жадал:
„Хўш? Қаёқда у гўзал?“
„Тўқайда, ўзи ёлғиз“, —
Деб жавоб қайтармиш қиз, —
„Боғлидир қўл-оёғи,
Йиртқич йўлиққан чоғи
Азоби кам бўлади,
Осонгина ўлади“.

Шоҳ қизи йўқолипти! —
Деган хабар тарқапти.
Қизига шоҳ чекмиш ғам,
Шаҳзода Елисей ҳам

Худодан мадад тилаб,
Йўлга тушмиш сўроқлаб
Азиз меҳрибонини,
Гўзал қаллиқжонини.

Қаллиқ адашганича,
Тўқайда бутун кеча,
Юриб-юриб толипти,
Бир кўшкка кеб қолипти,
Бир ит чиқиб шу маҳал,
Тинчланипти ҳуриб сал;
Дарвозадан кирса қиз,
Шарпадан йўқ бунда из,
Ит юрар эркаланиб,
Малика ҳам шайланиб,
Йўлак томон опти йўл
Ҳалқага чўзипти қўл:
Эшик очилиб равон,
Қиз кирсаки, чароғон
Бир уй: — унда — гиламлар,
Осиғлиқмиш санамлар.
Гўзал печкаси бормиш,
Сўрилар ўймакормиш,
Қиз кўрсаки, бу мазгил
Меҳрибон ва раҳмдил
Одамларнинг мазгили;
Бу ерда унинг дили

Озор топмаса керак,
Лек ҳечкимдан йўқ дарак,
Уйларга бир-бир кирмиш,
Тоза қилиб супурмиш,
Худо учун ёқмиш шам,
Иситмиш печкани ҳам,
Сўрига чиқиб аста,
Ухлаб қопти бир пастда.


Етганда туш палласи,
Келмиш одам шарпаси;
Кирмиш етти баҳодир,
Мўйловсоз етти нодир.
Зўри депти: „Ажабо!
Ҳарёқ тоза ва барно.
Кимдир йиғиштирипти,
Бизни кутиб турипти,
Ким у? Чиқ ёнимизга,
Чин ўртоқ бўлгин бизга,
Кекса чол бўлсанг агар,
Бизга бўлурсан падар.
Йигит бўлсанг — биз сени
Дейлик тутинган ини.
Кампир эрсанг — онасан,
Ҳурматларга қонасан.
Агар бўлсанг гўзал қиз,
Бўлгин азиз синглимиз“.

Малика ҳам шу замон,
Тушмиш йигитлар томон,
Уларни иззат қилиб,
Салом бермиш эгилиб:
Таклиф этилмасданоқ,
Бўлгани учун қўноқ,
У, авф сўраб, қизармиш,
Ҳам уялиб бўзармиш,
Пайқаптилар сўзидан —
Бу қиз малика экан;
Уни тўрга ўтқизиб,
Нози-не'матни тизиб,
Қадаҳ тўлдиришипти,
Патнусда келтирипти.
Қиз рад этмиш шаробни,
Зангори майи-нобни;
Сомсадан олиб оз-моз,
Ковшанган бўпти холос.
„Чарчадим“ —деб жуда ҳам,
Сўрапти олмоққа дам.
Тўрдаги бир хонани,
Кенг, ёруғ кошонани
Унга беришиптилар
Ва сўнг чиқишиптилар.

Кунлар ўтмиш изма-из,
Лекин ёш маликамиз

Тўқайзор маконида,
Баҳодирлар ёнида
Нохуш эмас ҳоли ҳам;
Баҳодирлар субҳидам
Туришиптилар иноқ,
Остларида арғумоқ,
Ўнг қўлни хушнуд этиб,
Арабни қувиб етиб,
Қилмоқ учун пиёда,
Саҳроларда афтода,
Татар бошини гоҳо
Қилмоққа тандин жуло
Гоҳи Бештов черкасин
Ўрмонда қувмоқ учун
Чиқарканлар сафарга,
Кулранг ўрдак отмоққа.
Бу чоғ бизнинг малика
Саройда қолиб якка,
Супуриб, сидираркан,
Таомлар пишираркан.
Баҳодирлар блан қиз
Яшар тотув, гинасиз.
Кунлар шундай ўтаркан,
Кун ўтиб кун етаркан.

Гўзал қизни жўралар
Жондан севар эканлар.



Бир куни эрта блан,
Етти баҳодир бирдан
Қиз уйига кирипти
Зури: „Эй, дилбар, — депти, —
Бизларнинг синглимизсан,
Бу нарса сенга равшан,
Бизлар етти жўрамиз,
Сени жуда севамиз,
Ҳарбиримиз ҳам сени
Жон деймиз ёр қилгани,

Броқ илож йўқдир ҳеч,
Бу мушкулни ўзинг еч!
Биримизни эр қилгил,
Бошқаларга бўл сингил.
Нега бошинг чайқайсан?
Ё арзни рад этгайсан?
Ё товар қўл эмасми,
Сенга мақбул эмасми?“

„Софдил қаҳрамонларим,
Азиз оғажонларим“,—
Деб малика сўз бошлар,—
„Ёлғон сўзласам агар,
Тириклай ерга кирай.
Мен қайлиқман, не қилай?
Мен учун баробарсиз,
Ақли, диловарсиз,
Билинг, мен чин кўнгилдан
Барчангизни севаман.
Броқ ўзгага бу бош
Мангу этилган йўлдош.
Азиздир ҳаммадан ҳам
У Елисей шаҳзодам“.

Жўралар жим қолипти,
Бошни қашлаб олипти.
„Сўрашнинг айби йўқдир,
Малика бизни кечир“—

Депти улкан паҳлавон,—
„Бундай бўлса ҳечқачон
У ҳақда очмам оғиз“.
— „Ҳафамасман“,— депти қиз,—
„Менинг ҳам рад жавобим —
Гуноҳ эмас“. Улар жим
Та’зим бажо этмишлар,
Аста чиқиб кетмишлар,
Шундай қилиб улар бот
Кечирмишлар тинч ҳаёт.

Алқисса ёвуз бекач
Маликани эслагач,
Тура олмапти чидаб;
Кўпдан бери аразлаб
Юраркан кўзгусига;
Энди тушиб эсига,
Кўзгу томон юз тутмиш,
Ғазабини унутмиш,
У яна ҳам керилиб,
Депти табассум қилиб:
„Салом! Сўзла кўзгужон,
Ҳақиқатни эт баён:
Мен эмасми дун’ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши?“

Жавоб бермиш ойнажон:
„Гўзаллигинг бегумон;
Броқ яшайди бир қиз
Ҳечқандай ҳашаматсиз,
Кўк эман маконида,
Баҳодирлар ёнида.
У сандан ҳам яхшидир,
Гўзалликнинг нахшидир“.
Бекач тўкмиш қаҳрини —
Қорақизга: „Сен мени
Алдашга қандай жур'ат
Этаолдинг, касофат?..“
Қорақиз қолиб ночор,
Барига бўлмиш иқрор.
Тутақиб ёвуз бекач,
Қорақизни қийнагач,
Шоҳ қизин ўлдирай деб,
Ёки ўзим ўлай деб,
Белин маҳкам боғлапти,
Бағрини ўт доғлапти.

Ёш малика бир куни
Кутиб оғаларини,
Ёлғиз ўтирар экан,
Чархин йигирар экан.
Йўлакда ғазаб блан
Ит ҳуриб қолмиш бирдан,
Ҳамда қараб кўрса қиз:

Ховлида қарри, ўксиз
Гадой хотин юрипти
Итни ҳайдаб турипти.
Ҳассаси блан. „Эна,
Сабр қил пичагина“, —
Депти қиз деразадан, —
„Итни ўзим ҳайдайман, —
Ҳамда сенга, энажон,
Этаман хайри-эҳсон“.
Қизга кампир дер шу дам:
„Оҳ, жон болам, қизгинам!
Итинг жонимни олди,
Ўлдиришга оз қолди,
Ирғишларига бир боқ!
Чиқ ёнимга, чиқ тезроқ“.
Малика ҳам нон олиб,
Чиқмоқ учун қўзғолиб,
Зинадан тушмасданоқ,
Ит етиб келмиш шу чоқ,
Ҳуриб эркаланипти,
Оёққа сурканипти,
Йўл бермапти ўтишга,
Кампир сари етишга,
Кампир келайин деса
Қиз ёнига, ит эса —
Ваҳший ҳайвонларсумон
Ташланармиш у томон.
„Ажабо, бу нима сир?“


Яхши ухлолмагандир —
Малика сўз қотипти:
„Ма ол!“ деб нон отипти.
Тутиб опти шум кампир:
„Сенга беҳад ташаккур,
Тангри қўлласин доим;
Сен ҳам тутиб ол, ойим!“
Маликага хўп пишган,
Олтин бўлиб етишган.
Олма учиб боришти.
Ит сакраб, ингранипти...
Малика икки қўллаб
Опти олмани ушлаб.
„Ё зериксанг мабодо,
Еганингда қил дуо“ —
Деб кампир эгилипти,
Ва кўздан йўқолипти.

Бирга малика блан
Зинадан чиқар экан,
Қалби ғамга тўлгандай,
„Ташла!“ демак бўлгандай,
Ит ғамгин телмурипти,
Қизга қаттиқ ҳурипти.
Қиз итни эркалапти,
Юмшоқ қўлла силапти:
„Не бўлди сенга, Лочин?
Ёт энди!“ Узи локин —

Уйга кириб кетипти,
Эшикни беркитипти.
Хўжаларин чидамсиз
Кутмак-чун малика қиз
Чархига ўтирса ҳам,
Лекин ўзи дамба-дам
Олмага телмураркан,
Фақат уни кўраркан,
Олма тўлиб пишипти,
Жуда ҳам етишипти
Ҳушбўй, бежирим, таранг,
Қипқизил ва тилло ранг,
Болга тўлиб тураркан!
Уруғи кўринаркан.
Овқатгача қаламқош
Кутмоқчи бўпти, бардош —
Беролмапти сра ҳам,
Олмани олиб бардам,
Лабига тегизипти,
Тишлаб бўлак узипти
Ҳам епти уни аста...
О, жоним, у бир пастда
Гангиб ҳушдан оғипти,
Қўллари бўшашипти.
Тушиб қўлдан олма ҳам,
Кўзлари тиниб шу дам
Бут остига оғиб қиз,
Ётипти сокин, жонсиз ..

Сафардан эсон-омон
Қайтишипти уй томон,
Бу маҳал етти шаввоз.
Чиқиб уларга пешвоз —
Ит қаттиқ югирипти
Нотинч хура кетипти.
Ҳовлини кўрсатиб у,
„Яхшиликка эмас бу!“
Депти улар: „— Фалокат
Юз берган бунда албат“.
От қўйишиб келипти,
Ичкарига кирипти,
Кўриб бўпдилар ҳайрон,
Ит чопиб келиб шу он,
Олмага отилипти,
Ебдию тез ўлипти.
Ма'лум бўлипти: оғу —
Тўлган олма экан бу.
Малика қаршисида
Жўралар бариси-да,
Бош эгипти дилхаста,
Фотиҳа ўқиб, аста
Уни ясантирганда,
Дафн қилмоқ бўлганда —
Бундан кечиптилар воз,
Малика қиз жуда соз
Уйқу ичра ётгандек,
Жуда гўзал ва тетик

Ётаркан беҳаракат,
Нафас олмаскан фақат.
Уч кун ўтипти, ҳануз
Уйқудан турмапти қиз.
Дилда ҳасрат, надомат
Кўрсатганича одат
Ўқишиб жанозасин,
Маликанинг мурдасин,
Биллур тобутга солиб,
Ҳаммалари кўтариб,
Кетмишлар Бўштоғ томон,
Тун ярим бўлган замон
Олти устунга уни,
Малика тобутини
Чўян занжир-ла аста
Боғлаптилар бир пастда,
Атрофига панжара
Қўйиптилар кўп сара.
Улкан ботир эгилиб,
Мурдага салом қилиб,
Депти: „Тинчиб ухлагин;
Ҳуснинг, ёвузлик ва кин
Қурбони бўлиб ўчди,
Руҳинг самога кўчди.
Бизлар сени севардик,
Севгилингга сақлардик —
Бўлмай йигитга насиб,
Бўлдинг тобутга насиб“.



Шум бекач шу куниеқ,
Хушxabарга иштиёқ —
Боғлаб, кўзгуни олмиш
Ҳам савол сўраб қолмиш:
„Айт, мен-масми дун'ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши?“
Кўзгу депти жавобан:
„Бекач, шаксиз, ҳаммадан —
Оқсан, гўзал, яхшисан,
Қизил юзлар нахшисан“,

Бу орада шаҳзода
Жаҳон кезиб афтода.
Қайлиғини изларкан,
Доим йиғлаб, бўзларкан.
Кимдан қилса у савол,
Савол кўринар маҳол;
Юзига кулар биров
Четга бурилар биров,
Арз айлапти ниҳоят
Қуёшга у азамат.
„Нурли қуёш! Кўкда сан,
Йил бўйи айланасан
Қишни илиқ, мулойим —
Баҳорга улаб доим,
Самоларда юрасан,
Барчамизни кўрасан,
Радми бўлур жавобинг?
Кўрмадингми дун'ёнинг
Ҳеч ерида ўшани,
Ёш, гўзал маликани?
Мен куёви“. — „Чироғим
Маликани кўрмадим. —
Депти қуёш,— муқаррар
У энди ўлган чиқар,
Балки қўшним ойпатир
Эҳтимол учратгандир:
Бирор ерда шоҳ қизин,
Кўриб қолгандир изин“.

Қора тунда шаҳзода
Ётмиш ғамгин, афтода.
Ой кўринмиш, ёлвариб,—
Чопипти ойга ғариб.
„Ой, оймўма, дўстгинам,
Тилла қошчам! Кенг олам —
Бўлганда қопқоронғу,
Чиқасан сочиб ёғду,
Одатингни юлдузлар
Севиб, сенга телмурар.
Радми бўлур жавобинг?
Кўрмадингни дун'ёнинг
Ҳеч ерида ўшани,
Ёш гўзал маликани?
Мен куёви“. — „Э иним,—
Сўзлапти ой,— кўрмадим,
У гўзал маликани...
Чиққум соқчи тургани
Фақат келганида гал.
Эҳтимол мен йўқ маҳал,
Ўтиб кетгандир у қиз“.
Шаҳзода депти: „Эссиз“.
Ой яна депти шунда:
„Шошма, сабр қил, уни:
Балки шамол биледи,
Ўша кўмак қилади.
Сен унга бор жонгинам,
Хайр энди кўп тортма ғам“.

Ҳам Елисей шаҳзода.
Бўлмай ма'юс, афтода,
Боришти шамол сари,
Ёлваришти тиллари:
„Шамол! қудратинг блан
Булутиларни қувлайсан,
Кўм-кўк денгизни дарров
Қиласан алғов-далғов,
Ёлғиз худодан ўзга
Ҳечкимни илмай кўзга,
Эркин кезиб юрасан,
Ҳарёнга югурасан,
Радми бўлур жавобинг?
Кўрмадингни дун'ёнинг
Ҳеч ерида ўшани,
Ёш гўзал маликани?
Мен куёви“. — „Қулоқ сол“,
Жавоб беришти шамол,
„Оқишлари кўк, сокин
Сойдан ўтгандан кейин,
Ҳайбатли юксак тоғ бор,
Тоғ бағрида чуқур ғор!
Ўша ғорда ғам-алам
Зулмати ичра ҳардам, —
Устунларга тортилган
Занжирга банд этилган
Биллур тобут тебранар,
Ҳеч кимсадан йўқ асар.

У тобутда, диловар,
Сенинг қайлигинг ётар“.


Шамол кетмиш шундан сўнг,
Йиғлаб шаҳзода ҳўнг-ҳўнг.
Гўзал қайлиқни сўнг бор
Кўрмоқ учун дилафкор
Кетишти бўш ер томон.
Борар экан, намоён—
Бўлмиш қаршида зўр тоғ;
Атрофи бўшлиқ, яйдоқ;
Тоғ бағрида қора ғор,
Кирипти унга шунқор.
Ғор қоронғи—муқаддар,
Унда тобут тебранар.
У тобутда мангулик
Тўшагида ётиб тек,
Ухлар экан малюка.
Севгани тобутига
Бутун жон-жаҳти блан
Отилмиш йигит бирдан.
Тобут синмиш. Қиз шу он
Тирилмиш. Бўлиб ҳайрон,
Атрофга телмураркан,
Занжирда тебранаркан.
Уҳ тортиб сўзлапти у:
„Кўп узоқ ухлапман-ку!“
Тобутдан чиқмиш дилбар.

Аҳ!.. — иков ҳўнграб йиғлар.
Йигит қизни кўтариб,
Ёриғликка чиқариб,
Ҳоли-аҳвол сўрапти,
Уйга қараб жўнапти,
Дарҳол тарқапти миш-миш:
Шоҳ қизи тирик эмиш!

Ўгай она—шум бекач,
Уйда ишсиз зериккач,
Кўзгусига телмуриб,
У блан суҳбат қуриб
Дер: „Ман-масми дун'ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Оппоқ, гўзал ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши“.
Кўзгу депти шу маҳал:
“Ҳечбир сўзсиз, сан гўзал,
Лек малика дун'ёда
Ҳаммадан ҳам зиёда,
Ҳаммадан оқ ва яхши,
Қизил юзларнинг нахши“.
Шум хотин сапчиб туриб,
Кўзгусини синдириб,
Эшик томон йўл олмиш,
Шоҳ қизин кўриб қолмиш:
Бағри аламга тўлмиш,
Чидолмай, бекач ўлмиш.

Кўмиб бўлибоқ уни,
Тўй бўлипти шу куни.
Қовушмиш бир-бирига
Елисей ҳам малика;
Дун'ё бўлгандан буён
Бундай базм ҳечқачон
Ҳеч ерда бўлган эмас,
Ҳечкимса кўрган эмас;
Мен ҳам тўйда бор эдим,
Пиво ичдим, бол ичдим,
Фақат мўйловим бироз
Ҳўлланиб қолди холос.





ОЛТИН ХҲРОЗ ЭРТАГИ

Бор эканда, йўқ экан,
Оч эканда тўқ экан;
Қадимги салтанатда
Алла қайси давлатда,
Яшаркан мард шоҳ Дадон.
Ёшлигидан зўр, полвон,
Кўни-кўшнига дангал
Бераркан озор ҳар гал.
Аммо, қаригач, шаввоз
Кечмак бўлмиш жангдан воз,
Тинч яшай, деб аҳд қилмиш,
Бў чоқ кўшнилар келмиш;
Солмиш заҳмату-зиён,
Ташвишда қолмиш Дадон.

Ўз мулкин ёқламоққа
Хужумдан сақламоққа
Лозим шоҳга туну-кун
Асрамоқлик зўр қўшин.
Саркорлар кўз юммапти
Аммо ҳеч улгурмапти:
Жанубдан кутсалар, ёв —
Шарқдан келмиш беаёв.
Даф қилинса ёв бундан
Босиб келмиш денгиздан.
Гоҳ йиғлапти Дадон шоҳ,
Гоҳ уйқусиз, чекмиш оҳ,
Шу ҳам турмуш бўлдию!
Охир ёрдам сўрмиш у:
Мунажжим, донишманддан,
Бичилган қўл, дардманддан
Уни олиб келгани
Шоҳ юбормиш чопарни.

.....
Та'зим блан чопар банд
Шоҳ олдида донишманд
Қопдан олмиш, туриб ғоз —
Ажойиб олтин хўроз.
У шоҳга депти шуни:
„Қўноққа қўндир уни;
Олтин хўроз, подшоҳим
Содиқ соқчингдир доим:
Атроф тинч бўлса — хўроз



Ўтирар жим, беовоз.
Аммо атрофдан сал-пал
Уруш кутилган маҳал,
Ёки ёв қилса хуруж,
Ё бало бўлса гар дуч,
Хўрозим қанот қоқар,
Ёв келар томон боқар,
Тожини тиккайтирар,
Ва қоқиниб қичқирар".
Шоҳ ташаккур билдирмиш,
Бир уюм тилла бермиш.

Суюнчидан депти шоҳ:
„Ҳарқачон бўлгин огоҳ —
Ҳарна талаб эткайсан,
Мурудингга етгайсан“.

Баланд қўноқда, хўроз
Ўлкани қўрirkan соз,
Сал билинса хавф-хатар,
Содиқ соқчи бохабар —
Пат-пат! қанот қоқаркан
Хатар томон боқаркан:
„Қу-қу-қувв!“ деркан хўроз
„Гаштингни сур, шоҳим боз!“
Хуркиб ҳамсоя эллар
Жанг қилишдан тинмишлар.
Душманлар тўрт томондан
Зарба епти Дадондан.

Бир, икки йил тинч, омон
Ўтмиш. Жим хўроз ҳамон.
Бир кун шов-шув ила шоҳ
Уйғониб, бўлмиш огоҳ,
Сардор айлапти хабар:
„Шоҳим! Халққа сен падар!
Султоним! Тур! Фалокат!“
Эснаб Дадон, дер фақат:
„Жаноб, ўзи нима гап?
Ким? Не бало қилмиш дап?“
Сардор депти: „Қўноқда,

Хўрозинг қичқирмоқда,
Пойтахтда ваҳм, тўпалон“,
Ойнадий боқса Дадон
Типирчиларкан хўроз
Шарққа қараб боз ва боз.
„Пайт ўтмасин, юрингиз!
Одамлар, от сурингиз!“
Дадон шарққа қўшунин
Йўллар, бош этиб ўғлин.
Хўроз жим, шов-шув битмиш,
Кулфатни шоҳ унутмиш.

Ўтмиш расо саккиз кун,
Дому-дараксиз қўшун:
Жанг бўлдими — бўлмади,
Шоҳга хабар келмади.
Яна қичқирмиш хўроз,
Шоҳ қўшуни жўнар боз:
Тўнғичга у қўмакка
Кенжасин юбормоқда.
Яна тинчипти хўроз,
Хабар келмай қўймиш боз:
Яна ўтмиш саккиз кун;
Одамлар нотинч бутун.
Яна хўроз қичқирмиш,
Шоҳ қўшунга жар солмиш,
Шарққа элтимиш уларни,
Билмас, фойда бўларми?..

Кўшун юрар куни-тун,
Аламда ёнар бутун,
На жангоҳ, на қароргоҳ
На соғона — кўрмас шоҳ,
У ўйлапти: во ажаб
Бу қандай сир, қандай гап?
Саккиз кун ҳам ўтипти,
Подшоҳ тоққа етипти.
Икки баланд тоғ аро
Ипак чодир муҳайё.
Борлиқ ажаб сукутда,
Тор дарада, кўк ўтда
Кўшун қирилиб ётар
Шоҳ чодирга йўл тутар...
Манзара даҳшат нуқул!
Олдида икки ўғил
Дубилғасиз, совутсиз
Ётар бежон, тобутсиз —
Иков қилич санчишиб,
Отлар юрар санқишиб,
Топталган ўтлоқларда,
Қон юқи қулоқларда...
Шоҳ йиғлапти: „Вой шўрим!
Болаларим, кўз нурим!
Ўғилларим ўлипти!
Умрим тамом бўлипти“.
Дадон ортидан қўшун,
Хўнграб йиғлапти бутун.



Води ичи, тоғ бағри
Ўксипти... титраб сағри.
Шу чоқ чиқмиш чодирдан
Сулув париваш бирдан —
Шамахон маликаси
Гўзалларнинг бекаси.
Ёрқин тонгдай — кумушдай,
Кунни кутган бир қушдай
Шоҳни жўн кутиб олмиш,
Шоҳ кўз тикиб, лол қолмиш.
Қиз хуснига кўз тутмиш,
Ўғилларни унутмиш,
У қиз шоҳ олдида жим,
Кулиб ва айлаб та'зим
Билагидан ушлапти,
Чодирига хушлапти.
Дастурхон ёзиқ экан,
Шоҳ зап зиёфат еган.
Сўнгра ётмиш роҳатга,
Кимхоб-зар каравотга.
Сўнг роп-роса саккиз кун,
Шубҳасиз қизга мафтун,
Авралган, жазманд — аён
Айш қипти бунда Дадон.

Энг охир ортга томон,
Лашкар блан шоҳ омон,
Ёнда гўзал малика

Қайтмиш ўз манзилига.
Ҳар хил овоза — миш-миш,
Йўлда барин эшитмиш.
Пойтахт бўсағасида,
Дарвоза ёқасида
Халқ кутмиш шов-шув ила
Тантана, чолғу била.
Қиз, Дадон, тўп арава —
Ортидан чопмиш ҳама —
Уларни табриклар шоҳ...
Шу чоқ кўринмиш, эвоҳ
Бошда арабий қалпоқ —
Оққуш сингари оппоқ,
Ўша ошно мунажжим.
„Салом, эй отам, жоним!“ —
Депти шоҳ: — „не тилайсан?
Яқин кел, айт, билай ман?“
„Подшоҳ!“ депти чол шунда:
„Тилагим айтсам бунда,
Эсласанг хизматимга
Ва'да қилгандинг менга:
Нима тилак этгайсан,
Муродингга еткайсан.
Лабзинг бўлса ҳад'я эт,
Маликани бериб кет...“
Шоҳ ҳайратдан тонг қолмиш,
„Нима!“ деб сўроқ солмиш,
„Шайтон сўзин олдинги,

Эсингни еб қолдингми?
Нималарни ўйладинг?
Ва'дамни рост сўйладинг;
Лек... ҳар ишнинг ҳадди бор,
Сўнг... қиз сенга не даркор?
Бас, кимман, биласанми,
Сўра: хазна дейсанми,
Ё боёрлик, ё давлат,
Отим, отхонам — савлат,
Ё шоҳлигим ярмисин
Берай, ол". „Истамайман.
Менга қизни ҳад'я эт,
Маликани бериб кет" —
Депти дангал донишманд.
Шоҳ туфурмуш: „Единг панд!
Гапингга кирмагайман,
Ҳеч нарса бермагайман.
Ўзингни ўтга отма,
Ғазабимни қўзғотма.
Бадбахт, ўлмай жўнаб қол,
Ҳайдангизлар, кетсин чол!"
Чол сўз қотмоқчи, кўнмас,
Шоҳ блан ўйнаб бўлмас,
Подшоҳ ҳассасин олмиш
Ва чол бошига солмиш.
Мунка тушиб чол шўрлик,
Тил тортмай бўлмиш ўлик. —
Пойтахт келмиш ларзага,

Аммо ёлғиз малика —
Қақиллаб кулар, тинмас,
Гуноҳни писанд билмас.
Шоҳ ғазабда бўлса ҳам
Қизга жилмаймиш шу дам.
Сўнг шаҳарга йўл солмиш,
Бир овоз келиб қолмиш.
Ҳамма кўрипти боз-боз
Қўноқда турган хўроз
Учиб арава томон
Ва шоҳ бошига омон —
Келиб кўниб тепипти,
Чўқиб... парвоз этипти.
Ерга қулаб шоҳ Дадон,
Оҳ! — деб берипти тез жон.
Малика шунда бирдан
Гойиб бўпти бу ердан.
Эртак ёлғон, ма'нин — чоқ!
Уққанга яхши сабоқ!



ҚИЙИН СЎЗЛАР ВА ИФОДАЛАРГА ИЗОҲЛАР

ШОҲ СУЛТОН ҲАҚИДА ЭРТАК

Чўзим — мато, шоҳи
Ёрлиқ — буйруқ, фармон
Эман — эман дарахти
Кўшқлар — уйлар
Уммондан — оқсандан

Қўноққа — меҳмонга
Хоч — бут
Ясоқ мол сотдик — яхши, танланган мол сотдик.

ПОП ВА УНИНГ ХИЗМАТКОРИ БАЛДА ҲАҚИДА ЭРТАК

Сайис — отбоқар
Сордек — бургутдек

Жилдиргин — юргизгин, қимирлатгин.

БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК

Ўлан — ўт-ўсимлик
Болўт — дарахт

Ясовул — ҳарбий посбон
Чоповул — чопар, даракчи

ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК

Баногоҳ — қўққисдан, бирданияга
Танҳо — ёлғиз, якка
Этмиш ато — беришти, яратипти
Дилбар — гўзал, нозик, келишган
Бахил — қизғанчиқ, очкўз
Сен — мол

Зеб бериб — ўзига оро бериб, гўзаллик киритиб
Кошона — ҳашаматли уй, бино
Зиёда — ортиқ, тенгсиз
Сулув — чиройли
Ҳасад — рашк, алам, жирканиш


Равон — бир текис, силлиқ
Чароғон — ёп-ёруғ
Санам — бут-суратлар
Мазгил — жой, бекат
Нодир — кам учрайдиган, чиройли
Барно — кўркам, бежирим
Падар — ота
Ини — ука
Шароб, майи-ноб — ичимлик
Нохуш — ёмон
Субҳидам — эрталабки пайт
Аргумоқ — от
Хушнуд — шод
Афтода — кезмоқ
Жудо — ажралмоқ
Тотув — ивоқ, дўст
Ёр қилмоқ — эр-хотин бўлмоқ
„Ё“ товар қўл эмасми — сенга мақ-
бул эмасми?“ — бу ерда ё биз

сенга арзимаимизми, деган ма'-
нода ишлатилган.
Диловар — дилга ёққан, дилкаш
Та'зим бажо этмишлар — бош эг-
дилар
Табассум — кулиш, илжайиш
Хайри-эҳсон — ёрдам, кўмак (пул
ёки ош-нонлик бермоқ)
Сокин — ҳаракатсиз, жим
Само — осмон, фалак
Ғариб — бечора (бу ерда чорасиз,
ўксик)
Ёғду — нур
Дилафкор — дили эзилган, қайғуга
чўмган
Намоён — пайдо
Муқаддар — сокин, қоронгу

ОЛТИН ХҲРОЗ ЭРТАГИ

Огоҳ — хабардор
Сардор — аскар боши
Жангоҳ — жанг майдони
Қароргоҳ — қўрғон, стан
Соғона — қабр
Муҳайё — бор, тайёр

Лол қолиш — сўзсиз, ҳайратда қо-
лиш
Мафтун — берилган, ошиқ бўлган
Жазман — кўнгил берган, дилига
ёққан.



МУНДАРИЖА

	<i>Бет</i>
Шоҳ Султон, унинг азамат ўғли ботир Гвидон Султонзода ҳам Оққуш бека ҳақида эртак (<i>Мир- темир</i> таржимаси)	3
Бир поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак . .	49
Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртак (<i>Миртемир</i> таржи- маси)	58
Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак (<i>Т. Фат- тоҳ</i> таржимаси)	69
Олтин хўроз эртаги (<i>Ш. Са'дулла</i> таржимаси)	97
Қийин сўзлар ва ифодаларга изоҳлар	108

На узбекском языке

*

А. С. ПУШКИН

С К А З К И

*

Госиздат УзССР — Ташкент — 1949

КИЧИК ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

Редактор *Ш. Са'дулла*
Техредактор *С. Губайдуллин*

Теринга берилди 2/II 1949 й. Босишга
рухсат этилди 26/III 1949 й. Р (01682)
Тиражи 30 000. Шартнома 650 - 48 й.
Қозғоқ формати 70 x 92/16. Печ. л.
7, 0. Уч.-нашр. л. 5, 0. Бир п. лда
40 000 ҳарф. Баҳоси 4 с. Муқоваси 1 с.

Тошкент. 1-нчи босмахона. 1949.
Заказ 68